

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ТОШМАТОВ ЭЛЁР СОБИРОВИЧ**

**АСОСНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ  
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,  
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Тошматов Элёр Собирович**

Асосни ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатини баҳолаш ..... 3

**Тошматов Элёр Собирович**

Оценка напряженно-деформируемого состояния грунтовых плотин с учетом основания ..... 23

**Toshmatov Elyor Sobirovich**

Assessment of the stress-strain state of earth dams taking into account their foundations..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ УЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ТОШМАТОВ ЭЛЁР СОБИРОВИЧ**

**АСОСНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ  
КУЧЛАНГАНЛИК-ДЕФОРМАЦИЯ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,  
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T2012 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мирсаидов Мирзиёд Мирсаидович**  
ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори,  
профессор

**Султанов Тахиржон Закирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Янгиев Асрор Абдихамидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Маткаримов Пахридин Жураевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019..Т.10.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871) 237-22-67, факс: (99871)237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Бакиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**А.М.Арифжанов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда қурилган 800 мингдан ортиқ сув омборларидан энергетика ва ирригация мақсадларида фойдаланиб келинади. Шунинг учун сув омборларининг грунтли тўғонларини мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлашда юқори самарали муҳандислик ечимларидан фойдаланиш гидротехника қурилиши соҳасида муҳим ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида грунтли тўғонларнинг мустаҳкамликка ва зилзилабардошликка чидамлилигини баҳолашнинг такомиллашган усуллари кўллаш ҳозирги кунда амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, сув омборлари грунтли тўғонларининг заминдаги асос қисми билан биргаликдаги мустаҳкамлигини баҳолашда иншоотнинг ҳақиқий геометрияси, бир жинссизлиги ва конструктив тузилиши, қурилиш жараёнида фойдаланиладиган грунт материалларининг физик-механик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ривожланган давлатларда, жумладан Хитой, АҚШ, Италия, Россия ва бошқа давлатларда лойиҳаланаётган ва қурилаётган барча гидротехник иншоотларнинг ишончилиги ва зилзилабардошлигини таъминловчи услубларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини баҳолашнинг илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада грунтли тўғонларни лойиҳалашда иншоот асосини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатларини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш, грунтли тўғонларни ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш, грунтли гидротехника иншоотини асос билан биргаликда ягона система сифатида қараб, унга сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини, хусусий оғирлик ва ташқи динамик таъсирларни, ички диссипация ва энергиянинг иншоотдан тўлқин кўринишида чексиз грунтли асосга чиқиб кетишини ҳисобга олувчи баҳолашнинг янги услубларни ишлаб чиқиш ва уларни илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда грунтли тўғонларни барпо этишда уларнинг асосини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформация ҳолатини баҳолаш, грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини ошириш, сув омборидаги сувнинг грунтли тўғонларга гидростатик босими ва динамик таъсири ҳамда улар натижасида ҳосил бўладиган энергиянинг грунтли асосга ўтиши ва унинг таъсирида тўғонларнинг деформациясини аниқлашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, сув омборлари ва улардаги грунтли тўғонларнинг чидамлилиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида, уларнинг асоси билан биргаликдаги мустаҳкамлигини баҳолаш ва бунда иншоотнинг шакли, таркибининг хар хиллиги, қўлланилган материалларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794 сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика”, VIII. “Ер фанлари (Геология, Геофизика, минерал хом ашёни сейсмология қайта ишлаш)” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Грунтли иншоотларнинг мустаҳкамлигини, динамик ҳолатларини ва ишончилигини баҳолашга бағишланган илмий муаммолар қуйидаги олимлар илмий ишларида ўз аксини топган: К.С.Султанов, Б.Э.Хусанов, М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Б.М.Мардонов, Т.Артыков, М. А. Ахмедов, О. Я Гловацкий, К.Д.Салямова, А.А.Янгиев, П.Ж. Маткаримов, Т.З.Султанов, Н.А.Анискин, А.С.Антонов, Ю.Б.Мгалобелов, А.В.Дейнеко, Е.Н.Беллендир, В.Б.Глаговским, З.Г.Тер-Мартirosян, Н. Д. Красник, Ю. К. Зарецкий, И. А. Константинов, В.Н.Ломбардо, И.С.Шейнин, С.Г.Шульман, Г.Л.Рубинштейн, В.С.Кузнецов, В.В.Москвитин, Б.Е.Победря, L.V.Zhang, Y.Wang, G.Wang, D.Q.Li, G.Beer, J. R.Booker, J. P.Carter, Wang Weibiao, K.Noeg, K.Nackler, P.Tschernutter, G.V.Baecher, J.T.Christian ва бошқалар.

Грунтларнинг ташқи кучлар таъсиридаги деформацияланиш жараёнлари назарий ва экспериментал текширишларга бағишланган илмий ишлар асосан қуйидаги олимлар томонидан бажарилган: К.С.Султанов, Х.З.Расулов, А.С.Хасанов, Н.А.Цытович, Х.А.Рахматулин, А.А.Ильюшен, А. Григорян, В.М. Ляхов, Н. Д. Красник, Ю. К. Зарецкий, И. А.Константинов, В.Н.Ломбардо, Б.Г.Коренева, С.С.Вялов, Э.Е.Хачиян, М.А.Колтунов, К.Р.Рам, Nakagawa Hajimi, Kawaike Kenji Baba, Yasiyuki, Zhang Hao, A.A.Balkema ва бошқа олимлар.

Мазкур тадқиқотлар натижасида грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган моделлар ва ҳисоблаш

усуллари гидротехника қурилишида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо уларда динамик жараёнлар ва энергияни иншоотдан тўлқин кўринишида асос орқали чексизликка ўтказиб юбориш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҚХФ-4-001-“Сув омбори грунтли иншоотларининг зилзилабардошлиги ва мустаҳкамлигининг назарий асосларини ишлаб чиқиш”, ҚХА-3-008-2015 “Сув билан ўзаро таъсиридаги грунтли гидротехника иншоотларининг мустаҳкамлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш”, ҚХ-А-ҚХ-2018-294 “Бир жинсли бўлмаган структурали гидротехника иншоотларни динамик мустаҳкамликка баҳолаш ва уларни назарий асосларини ишлаб чиқиш”, ФЗ-20200929327 “Грунтнинг намланганлик ва чизиксиз филтрацияни ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлик ишончилигини баҳолаш назарияси ва усулини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** грунтли тўғонларнинг асосини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатлари ҳамда мустаҳкамликларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида янги лойиҳаланаётган ва қурилиши режалаштирилган грунтли тўғонларнинг мустаҳкамликларини башорат қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

статик ва динамик кучлар таъсирида грунтли тўғонларнинг асос билан биргаликдаги кучланганлик деформация ва динамик ҳолатлари, мустаҳкамлигини баҳолаш учун иншоотнинг конструктив бир жинссизлиги, реал геометрияси, сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда математик модель, ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари ва ЭХМ дастурларини ишлаб чиқиш;

Пском грунтли тўғонининг асоси билан биргаликдаги кучланганлик деформация ҳолатини баҳолаш учун тўғон асосининг чегара ўлчамларини аниқлаш;

Пском грунтли тўғонининг конструктив бир жинссизлиги, реал геометрияси ҳисобга олган ҳолда иншоотнинг асос билан биргаликда хусусий оғирлиги ва сув омборидаги сувнинг гидростатик босими таъсирида кучланганлик деформация ҳолати ва мустаҳкамлигини баҳолаш;

иншоотнинг асос билан биргаликда ҳамда сув омборини сувсиз ва сув тўлдирилган ҳолатларида динамик жараёнларини аниқлаш, грунтнинг қовушқоқ-эластиклик хоссаларини ҳисобга олиб ҳар хил кинематик таъсирлар натижасида иншоотнинг турғун мажбурий тебранишилари текшириш ва мустаҳкамлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида қурилиши режалаштирилган Пском сув омборининг грунтли тўғони олинган.

**Тадқиқот предмети** сув омборининг грунтли тўғони, унинг асоси, иншоотнинг конструктив тузилиши, қўлланиладиган грунт материалларининг физик – механик тавсифлари, кучланганлик деформация ва динамик ҳолатлари, мустаҳкамликни баҳолашнинг математик моделлари, ҳисоблаш усуллари, алгоритмлари ва компьютерда ҳисоблаш дастурларини ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Турли кучлар таъсирида иншоотда асос билан биргаликда содир бўладиган жараёнларни ифодалаш учун деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи механиканинг умумий қонуниятларидан, мумкин бўлган кўчиш принципларига асосланган математик моделлардан, чекли элементлар усулидан фойдаланиб вариацион тенгламаларнинг ечиш усулларида, комплекс коэффицентли бир жинсли ва бир жинсиз алгебраик тенгламалар системасини ечиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

грунтли тўғонларнинг асоси билан биргаликда кучланганлик-деформация, динамик ҳолатлари ҳамда мустаҳкамликларини баҳолаш усули такомиллаштирилган;

грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари ва мустаҳкамлиги тўғоннинг хусусий оғирлиги ва сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган;

гидростатик босим таъсирида грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда хусусий тебраниш частоталари ва шакллари аниқланган;

ҳар хил кинематик таъсирлар натижасида сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олиб тўғоннинг асос билан биргаликдаги турғун мажбурий тебранишлари асосида иншоотнинг кучланганлик ҳолати ва мустаҳкамлиги баҳоланиб, тўғонда хавфли кучланишлар пайдо бўладиган участкалар аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

сув омборлари грунтли тўғонларининг асоси билан биргаликда кучланганлик деформацияланиш, динамик ҳолатини ҳамда мустаҳкамлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган ҳисоблаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини ва тўғоннинг хусусий оғирлиги ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда кучланганлик-деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлиги баҳоланган;

гидростатик босимнинг таъсирини инобатга олиб грунтли тўғоннинг хусусий тебраниш частоталарини аниқлаш ҳамда уларнинг мумкин бўлган тебраниш шакллари қуриш имкониятини берадиган ЭХМ дастури ишлаб чиқилган;

турли кинематик таъсирлар натижасида сув омборлари грунтли тўғонларининг асос билан биргаликдаги мажбурий тебранишлари, динамик

ҳолатлари ва мустаҳкамлигини грунтнинг қовушқоқ эластиклик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усули ва ЭҲМ дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги такомиллаштирилган математик моделнинг адекватлиги, ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар ва ЭҲМ дастурларининг ишончлилиги ва аниқлиги бир қатор аниқ аналитик ечимга эга бўлган тест масалаларининг ечимлари билан таққослаш орқали исботланиб, юқори аниқликда натижа бериши тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қурилиши лойиҳаланаётган грунтли тўғонларнинг асосини инobatга олган ҳолда уларнинг кучланганлик деформацияланиш, динамик ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолаш учун иншоотнинг конструктив бир жинссизлигини ва сув омборининг гидростатик босимини, грунтни қовушқоқ-эластик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш учун такомиллаштирилган математик модель, ҳисоблаш усули ва алгоритминини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келгусида қуриладиган грунтли тўғонларнинг реал геометрияси, конструктив бир жинссизлигини, грунтни ҳар хил хоссаларини ва асосини ҳисобга олган ҳолда статик ва динамик кучлар таъсирида тўғонни кучланганлик деформацияланиш, динамик ҳолатлари ва мустаҳкамлигини ҳисоблаш учун янги алгоритмлар ва ЭҲМ дастурларини ишлаб чиқилганлиги ва олинган янги натижаларни лойиҳалаш жараёнларида қўллаш имкониятларини пайдо бўлганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Асосини ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформация ҳолатини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

грунтли тўғонларнинг асосини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик деформацияланиш ҳолатларини баҳолашнинг ҳисоблаш усули «Сувлойиҳа» давлат унитар корхонасида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2442-сон маълумотномаси). Натижада, грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари, мустаҳкамлигини баҳолаш имконияти яратилган;

грунтли тўғонларнинг асосини ҳисобга олган ҳолда динамик ҳолатларини баҳолашнинг математик модели, ҳисоблаш усули янги лойиҳаланаётган Пском сув омбори грунтли тўғони учун «Гидропроект» акциядорлик жамиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2442-сон маълумотномаси). Натижада, Пском сув омбори грунтли тўғони мустаҳкамлигини баҳолаш имконини беради;

грунтли тўғоннинг асосини ҳисобга олмаган ва олган ҳолда хусусий тебраниш частотаси аниқлаш, тебраниш шакллари «Water house project» масъулияти чекланган жамиятда жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2442-сон маълумотномаси).

Натижада, фойдаланилаётган сув омборлари грунтли тўғонларининг мустаҳкамлигини баҳолаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зурурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотларнинг ИТИ тадқиқот режаларига узвий боғлиқлиги, тадқиқотларни олиб бориш услублари, бажарилган тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва уларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформацияланиш ҳолатини асос билан биргаликда баҳолашнинг математик модели ва ечиш усулини ишлаб чиқиш”** деб номланган биринчи бобида, сув омборлари грунтли тўғонларининг асоси билан бириктириш хусусиятлари, асосни сув ўтказмаслик учун қўлланиладиган конструктив чора-тадбирлар, тўғон - асоснинг кучланганлик-деформация ва динамик ҳолатлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, грунтли тўғонларнинг асоси билан биргаликда ягона система деб қараш учун математик модел ва масалани ечиш усули келтирилган.

Қўйилган масала учун математик моделни танлашда тадқиқ қилинаётган грунтли иншоот бир жинссиз ўзаро боғланган, унинг асоси чексиз ярим фазодан  $x_1, x_2$  текисликдан пастда маълум ўлчамларда ажратиб олинган  $V_6$  ҳажмни эгалловчи, тўғон танаси билан биргаликда ишловчи деформацияланувчан қаттиқ жисм деб қаралади. Бу тизимни ташкил қилувчи элементлари орасидаги кўчишлар узлуксиз деб қаралади. Тизимнинг ҳар бир қисмининг материаллари физик-механик хусусиятларига кўра бир биридан

фарқ қилади, уларнинг баъзиларда эластик деформация рўй берса баъзиларида қовушқоқ эластиклик хусусиятларни намоён бўлишини ҳам эътиборга олинади (1-расм).

Бу ҳисоблаш схемаси бўйича грунтли тўғоннинг юқори қисми -  $\Sigma_2$ , қуйи призма сирти -  $\Sigma_3$  ва унга туташ асоснинг сирти -  $\Sigma_3^2$  кучланишлардан ҳоли деб қаралади. Юқори призмадаги нормал димланган сатҳнинг (НДС) чегара чизигидан пастдаги юза  $S_p$  билан ифодаланган ва ундан давом этган асоснинг юқори сирти-  $\Sigma_1^2$  га сув омборидаги сувнинг гидростатик  $\vec{p}(x, y)$  босими таъсир этади. « $p-p$ » ярим фазодан ажратиб олинган соҳа  $V_6$  -ни чегараловчи сиртлар  $\Sigma_1^-, \Sigma_2^+, \Sigma_u$  билан белгиланган. Бу сиртларга қўйиладиган чегаравий шартлар Сен-Венан принциpidан фойдаланиб, чекли ўлчамга эга бўлган соҳанинг ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда танланади.



**1-расм. Грунтли иншоотнинг асос билан биргаликда ишлашини ифодаловчи системанинг ҳисобий схемаси:  $V_1, V_3, V_5$  -таянч призмалар,  $V_2$ -экран,  $V_4$  –ядро,  $V_6$  – тўғоннинг асоси**

Сататик кучлар таъсирида қаралаётган (1-расм) системада рўй берадиган жараёнларни моделлаштириш учун мумкин бўлган кўчишлар принципига асосланган қуйидаги вариацион тенгламадан фойдаланилади:

$$-\sum_{k=1}^n \int_{V_k} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV - \sum_{k=1}^{n-1} \int_{V_k} \vec{f} \delta \vec{u} dV + \int_{S_p + \Sigma_1^2} \vec{p} \delta \vec{u} dS = 0, \quad i, j=1, 2. \quad (1)$$

Иншоотнинг асосини чегараловчи юзаларга қуйидаги бир жинсли кинематик шартлар қўйилади:

$$\vec{x} \in \Sigma_u: \vec{u} = 0; \quad \delta \vec{u} = 0; \quad \vec{x} \in \Sigma_1^- + \Sigma_2^+: \vec{u} \neq 0. \quad (2)$$

Бу вариацион тенгламада системанинг кучланиш ва деформация тензорларини ўзаро боғлиқлигини ифодалаш учун умумлаштирилган Гук қонунидан фойдаланилади:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_{11} &= \frac{E_n(1-\nu_n)}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{11} + \frac{\nu_n E_n}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{22}; \\ \sigma_{22} &= \frac{E_n(1-\nu_n)}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{22} + \frac{\nu_n E_n}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{11}; \\ \sigma_{12} &= \frac{E}{2(1+\nu_n)} \varepsilon_{12}. \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Деформация тензорлари билан кўчиш векторлари ўртасидаги боғланиш эса Коши муносабатлари орқали ифодаланади:

$$\varepsilon_{ij} = \frac{1}{2} \left( \frac{\partial u_i}{\partial x_j} + \frac{\partial u_j}{\partial x_i} \right), i, j = 1, 2 \quad (4)$$

$$\vec{u} = \{u_1, u_2\} = \{u, v\}, \vec{x} = \{x_1, x_2\} = \{x, y\}$$

Бу ерда:  $\sigma_{ij}$  ва  $\varepsilon_{ij}$  – кучланиш ва деформация тензорлари;  $\delta u$ ,  $\delta \varepsilon_{ij}$  – кўчиш ва деформациянинг изохрон вариациялари;  $E_n$ ,  $\nu_n$  – система элементлари материалнинг эластиклик модули ва Пуассон коэффиценти;  $n$ -индекс мос равишда қаралаётган соҳанинг ( $V_1, V_2, \dots, V_6$ ) ташкил этувчи қисмларининг рақамларини билдиради,  $\vec{f}$  – таъсир этувчи масса кучлари вектори,  $\vec{p}$  ( $S_p + \Sigma_1^2$ ) юзаларга таъсир этувчи сувнинг гидростатик босими бўлиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\vec{p} = \rho_0 g (h - x_2), \quad (5)$$

Бу ерда  $\rho_0$  – сувнинг зичлиги,  $(h - x_2)$  – тўғоннинг босимли юзаси нуқтасини сув сатхидан чуқурлигини билдиради.

Қаралаётган масалада масса кучлари ва сувнинг гидростатик босими ва чегаравий шартларни ҳисобга олиб, (1), (3), (4) муносабатларни ихтиёрий мумкин бўлган кўчиш  $\delta \vec{u}$  ларда қаноатлантирувчи системанинг ихтиёрий нуқтасида ҳосил бўладиган кўчиш, деформация ва кучланиш тензорларини аниқлаш талаб қилинади.

Юқорида қўйилган мураккаб вариацион масалани ечиш учун чекли элементлар усули (ЧЭУ)ни қўллаш ҳисобига (1) вариацион тенглама статик кучлар таъсирида системадаги (1-расм) жараённи ифодаловчи чизиқли алгебраик тенгламалар системасига келтирилади:


$$[K]\{u\} = \{F\} \quad (6)$$

Бу ерда  $[K]$  – қаралаётган система учун бикрлик матрицаси;  $\{u\}$  – тугунлардаги изланаётган кўчишларни ифодаловчи вектор;  $\{F\}$  – ташқи кучлар (масса кучлари, сувнинг гидростатик босими ва ҳ.к.) йиғиндисини ифодаловчи вектори.


Алгебраик тенгламалар системаси (6) Гаусс ёки квадрат илдиз усуллари билан ечилади.

Қараётган ишоот ва унинг асосидан ажратиб олинган чекли асоснинг ўлчамларини қандай олишни танлаш учун тўғоннинг асос билан туташган жойидан бошлаб асосни кенглиги (горизонтал) ва чуқурлик ўлчамларини тўғонни баландлигига нисбатан турли ўлчамларда қаралиб, масса кучлари ва гидростатик босим остида тўғоннинг кучланганлик ҳолатлари баҳоланди (2-расм).

Юқорида келтирилган усул бўйича кучланиш тензорлари  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$ ,  $\sigma_{12}$  нинг қийматлари аниқланиб, уларнинг изочизиклари қурилди (3-расм).



**2-расм. Тўғон асосини ўлчамларини танлаш схемаси**



**3-расм. Кучланиш тензори  $\sigma_{12}$  нинг изочизиклари**

Статик кучлар таъсирида ўтказилган текширишлар натижасида (яъни тўғон асосининг ҳар хил чекли ўлчамларида ва асос сиртларидаги ҳар хил чегаравий шартларда) аниқландики, баландлиги 296 метр бўлган грунтли тўғоннинг асосини горизонталь йўналишдаги ўлчамларини  $0,7H < b_a < 1,5H$  оралиғида, вертикаль (чуқурлик) йўналишдаги ўлчамини эса  $0,5H < h_a < 1,0H$  муносабатда танланиши мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг “Грунтли тўғоннинг статик кучлар таъсиридаги кучланганлик ҳолатини ва мустаҳкамлигини асос билан биргаликда баҳолаш” деб номланган бобида биринчи бобда келтирилган математик модел, ҳисоблаш усули, алгоритми ва тузилган ЭҲМ дастурлари асосида грунтли тўғонни асосни ҳисобга олган ва олмаган ҳолда иншоотнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва тўғон танасининг мустаҳкамлиги тадқиқ қилиниб, баҳоланган. Ҳисоб ишларини бажаришда Пском тўғоннинг ҳақиқий лойиҳавий геометрик ўлчамлари, конструктив тузилиши ва иншоот материалларининг физик-механик хусусиятлари, бир жинсли ва бир жинсизлик ҳолатлари ҳисобга олинган.


Олинган натижаларга кўра, тўғоннинг асоси ҳисобга олинмаганда, энг катта кучланиш қийматлари  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$  ва  $\sigma_{12}$  тўғоннинг маркази ва призмаларнинг қуйи қисмига тўғри келади. Уринма кучланиш  $\sigma_{12}$  нинг ноль қиймат чизиклари эса тўғоннинг вертикал ўқиға яқин жойлашади ва шу ўқдан узоқлашган сари уринма кучланишнинг қиймати қияликларнинг пастки қисмларигача ўзининг максимумига ортиб боради. Қаралган 195 м баландликли тўғонининг кучланиш тензорлари бўйича қурилган изочизиклари иншоотнинг вертикал ўқиға нисбатан тахминан симметрик жойлашганини, ўз навбатида бу тўғоннинг қиялик коэффициентларини деярли бир-бирига яқин қийматга эга бўлганлигини, натижаларни тўғри олинганлигини тасдиқлади.

Иншоотни бир жинсиз деб қаралган ҳолатда, ядро жойлашган қисмда нормал кучланиш  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$  ларнинг сезиларли камайиши ва уларнинг


миқдорлари бўйича қурилган изочизиклар тўлқин шаклидаги ўзгаришларни ҳосил қилади.

Ҳар бир ҳолат (бир жинсли ва бир жинсиз, асос ҳисобга олинган ва олинмаган ҳолат) бўйича грунтли тўғонни хусусий оғирлик, сув омборининг турли сатҳ даражасидаги сув билан тўлдирилиши натижасида тўғон танасида ҳосил бўладиган кучланиш тензорлари ( $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$ ,  $\sigma_{12}$ ) нинг миқдорлари аниқланди ва уларнинг тўғон танаси бўйича тенг тақсимланиш изочизиклари қурилди (4, 5-расм).


а)  $\sigma_{11}$ , МПа




а)  $\sigma_{11}$ , МПа




б)  $\sigma_{22}$ , МПа




б)  $\sigma_{22}$ , МПа



в)  $\sigma_{12}$ , МПа



в)  $\sigma_{12}$ , МПа



**4-расм. Хусусий оғирлик ва гидростатик босим ( $H_{\text{суб}}=170$  м) таъсиридаги бир жинсиз Пском грунтли тўғонни кучланганлик ҳолатининг изочизиклари**

**5-расм. Хусусий оғирлик ва гидростатик босим ( $H_{\text{суб}}=170$  м) таъсиридаги бир жинсиз Пском грунтли тўғонни асос билан биргаликдаги кучланганлик ҳолатининг изочизиклари**

Сув омборидаги сувнинг гидростатик ( $H_{\text{суб}}=170$  м) босими грунтли тўғоннинг юқори призмасидаги кучланганлик ҳолатини гидростатик босимсиз ҳолатга нисбатан кескин ўзгартиришга олиб келади.

Грунтли тўғоннинг бир жинсли ва бир жинсизлиги, асосни ҳисобга олган ва олмаган ҳолда статик кучлар таъсиридаги кучланган деформация ҳолатлари бўйича аниқланган кучланиш тензорларидан фойдаланган ҳолда қаралган грунтли иншоотнинг мустаҳкамлигини Кулон-Морнинг чегаравий мувозанат шarti ёрдами баҳоланди.

Бу назариясига асосан грунтли тўғоннинг мустаҳкамлигининг захира коэффицентини қуйидагича аниқланди:


$$K = \frac{0,5(\sigma_1 + \sigma_2) \sin \phi + c \cdot \cos \phi}{0,5(\sigma_1 - \sigma_2)} \quad (7)$$

Бу ерда:  $K$ - иншоотнинг ҳар бир нуқтасидаги мустаҳкамликнинг захира коэффиценти;  $\sigma_1$ ,  $\sigma_2$  - иншоотнинг ҳар бир нуқтасида ҳосил бўлган бош кучланишлар қиймати;  $\phi$  - грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги,  $c$  – грунт зарраларининг боғланиш коэффиценти.

Грунтли тўғонни мустаҳкамлигини тўлиқ баҳолаш учун тўғон танаси билан асоснинг барча нуқталаридаги мустаҳкамликнинг захира коэффиценти “ $K$ ” аниқлаш талаб этилади. Агарда  $K > 1$  бўлса, “мустаҳкам” ва мустаҳкамликнинг захирасига эга ҳисобланади.  $K = 1$  бўлса, иншоотнинг шу нуқтасида чегаравий мувозанат ҳолатида бўлади ва  $K < 1$  бўлса, тўғоннинг мазкур нуқтасида мустаҳкамлик таъминланмаган деб ҳисобланади ва шундай нуқталардан иборат бўлган тўғоннинг участкаларида устуворлик йўқолган ҳисобланади.

6-расмда грунтли тўғоннинг бир жинссизлиги ва асосини ҳисобга олинган, олинмаган ҳолатлари бўйича хусусий оғирлик, гидростатик босимни таъсиридаги 195 м баландликли грунтли тўғон танасидаги  $K$  – мустаҳкамликнинг захира коэффицентини тақсимланиш изочизиклари курилган.

а) асоси ҳисобга олинмаган грунтли тўғон      б) асоси ҳисобга олинган грунтли тўғон



**6-расм. Хусусий оғирлик ва гидростатик босим ( $H_{\text{суб}}=170$  м) таъсиридаги грунтли тўғонида мустаҳкамликнинг захира коэффиценти “ $K$ ” ни тақсимланиш изочизиклари**

Олинган натижаларнинг таҳлилидан кўринадикки, статик кучлар таъсирида грунтли тўғоннинг барча нуқталаридаги мустаҳкамликнинг “ $K$ ” захира қийматлари 1,5 дан юқори бўлиб,  $K > 1$  шарт қаноатлантирилади. Гидростатик босимининг ҳисобига тўғоннинг юқори призмасида мустаҳкамликнинг “ $K$ ” захира коэффицентининг қийматлари маълум микдорда ортиб бориши кузатилади.

Диссертациянинг “Грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда хусусий тебранишларини баҳолаш” деб номланган бобида грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда ягона система кўринишда хусусий тебраниш масаласини математик қўйиш учун, тўғонни асос билан биргаликда текис деформацияланиш ҳолатида ишлайдиган яхлит система - деформацияланувчан бир жинссиз қаттиқ жисм деб қаралди (1-расм).

Қаралаётган системанинг (1-расм) хусусий тебранишни моделлаштириш учун Даламбер принцигига асосланган Лагранжнинг вариацион тенгламасидан фойдаланилди, яъни:

$$\delta A = - \int_{V+V_6} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV - \int_{V+V_6} \rho_n \ddot{u} \delta \vec{u} dV + \int_{\Sigma_p+S_p} \vec{p} \delta \vec{u} dS = 0, \quad (8)$$

Масалани математик қўйилишида кучланиш ва деформация ўртасидаги боғланиш умумлашган Гук қонуни (3), деформация ва кўчиш ўртасидаги боғланиш Коши муносабатлари (4) билан ва иншоотга таъсир этувчи гидростатик босим (5) билан ифодаланган.

Бу тенгамаларга қўшимча қилиб қуйидаги кинематик шартлар қўйилади

$$\vec{x} \in \sum_u : \vec{u} = 0; \quad \delta \vec{u} = 0, \quad \text{ва} \quad \vec{x} \in \sum_1^- + \sum_2^+ : \vec{u} \neq 0. \quad (9)$$

Қаралаётган система (1-расм) учун қуйидаги қуринишдаги ечим кидирилиб:

$$\vec{u}(\vec{x}, t) = \vec{u}^*(\vec{x}) e^{-i\omega t}, \quad (10)$$

Бу ерда  $\omega$  ва  $\vec{u}^*$  -қаралаётган системанинг хусусий тебраниш частота ва формалари.

Агар (10) ни (8), (3), (4) ва (5) ларга қўйсак у ҳолда қаралаётган масаламиз системанинг (1-расм) хусусий тебраниш частотаси ва шаклини топиш учун вариацион тенгламага айланади, яъни:

$$- \int_{V+V_6} \sigma_{ij}^* \delta \varepsilon_{ij} dV + \omega^2 \int_{V+V_6} \rho_n \vec{u}^* \delta \vec{u}^* dV + \int_{\Sigma_p+S_p} \vec{p} \delta \vec{u}^* dS = 0 \quad (11)$$

$$x \in \sum_u : \delta \vec{u}^* = 0, \quad (12)$$

Бу ерда  $\sigma_{ij}^*$  - кучланиш тензори компонентларини амплитудаси.

Вариацион масала (11) - (12) чекли элементларни қўллаш усули ёрдамида қуйидаги бир жинсли алгебраик тенгламалар системасига келтирилади:


$$([K] - \omega^2 [M]) \{z\} = 0 \quad (13)$$

Бу (13) тенгламалар системасининг ечими иншоотнинг хусусий тебраниш частотасини ва формасини аниқлаш имкониятини беради. Бу ерда  $[K]$ ,  $[M]$  - қаралаётган системанинг бикрлик ва массалар матрицаси,  $\omega$  - системанинг хусусий тебраниш частотаси,  $\{z\}$  - хусусий тебраниш вектори.


Бу тенгламалар системасининг хусусий  $\lambda = \omega^2$  тебраниш частоталари Мюллер методи билан, хусусий тебраниш векторлар  $\{z\}$  эса Гаусс методи билан аниқланади.

Қурилиши режалаштирилган 195 м баландликли грунтли тўғоннинг лойихавий параметрлари асосида хусусий тебраниш частоталари аниқланиб, уларнинг тебраниш шакллари қурилган (7, 8-расм).


а) биринчи шакл,  $\omega_1 = 0,21382$  Гц



б) учинчи шакл,  $\omega_3 = 0,36307$  Гц




в) бешинчи шакл,  $\omega_5 = 0,46005$  Гц




7-расм. Пском грунтли тўғонининг хусусий тебраниш частота ва шакллари ( $E_{\text{ядро}} = 15$  МПа)


а) биринчи шакл,  $\omega_1 = 0,18642$  Гц



б) учинчи шакл,  $\omega_3 = 0,31842$  Гц



в) бешинчи шакл,  $\omega_5 = 0,36093$  Гц



8-расм. Пском грунтли тўғонининг асос билан биргаликдаги сувнинг гидростатик босими таъсиридаги тебраниш частоталари ва тебраниш шакллари

Қаралаётган тўғоннинг баъзи частоталари маълум зичликларда тор спектрда жойлашади. Бу эса қаралган тўғонни катта баландликка ва етарлича бикрликка эга эканлиги кўрсатади. Тўғоннинг асосини ҳисобга олинганда иншоотнинг хусусий тебраниш частоталарини асосни ҳисобга олмаган ҳолдагига нисбатан миқдоран камайишига олиб келиб, бу фарқ 10 % гачани ташкил этади. Тўғон учун асосий қуйи частотали тебранишларнинг хусусий шакллари марказий кесимнинг силжиши (биринчи шакл), марказий кесимнинг вертикал кўчишига (иккинчи шакл), қияликларнинг мураккаб деформациясига (учинчи ва кейинги шакллар) олиб келади.

Диссертациянинг “Грунтли тўғоннинг асос билан биргаликда мажбурий тебранишларини баҳолаш” деб номланган бобида «грунтли тўғон-асос»да рўй берадиган мажбурий турғун тебраниш жараёнларни моделлаштиришда 1-расм бўйича ҳисобий схема асос қилиб олиниб, мумкин бўлган кўчишлар принципага асосланган (9) вариацион тенгламада ҳамда (3), (4), (5) ифодалардан фойдаланилган. Иншоотнинг асосини чегараловчи юзаларга қуйидаги кинематик шартлар қўйилади:

$$\vec{x} \in \Sigma_1^- + \Sigma_2^+ : \vec{u} \neq 0; \quad x \in \Sigma u : \vec{u}_o(\vec{x}, t) = \vec{\psi}_1(t) \quad (14)$$

Бу ерда  $\vec{\psi}_1(t)$  вақт бўйича даврий ўзгарувчи функция.

Иншоот ва асос материалининг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини инобатга олиш учун кучланиш ва деформация тензорлари орасидаги боғланишни ифодалашда Больцман-Волтерр назариясига асосланган қовушқоқ-эластиклик моделидан фойдаланилди. Агарда иншоотнинг бирорта қисмининг материали эластик хусусиятга эга бўлса у ҳолда  $K_n$ ,  $\tilde{\mu}_n$ -материалнинг ҳажмий ва силжишдаги эластиклик модули, агарда шу қисимларнинг бирортасини материали қовушқоқ-эластиклик хусусиятига эга

бўлса у ҳолда  $\tilde{\mu}_n$  интеграл оператори бўлади. Шунга асосан уларни қуйидагича ифодаланади:

$$S_{ij} = \mu_n \left[ e_{ij} - \int_{-\infty}^t \Gamma_{\mu_n}(t - \tau) e_{ij}(\tau) d\tau \right] \\ \sigma = K_n \theta, \quad (15)$$

